ЎҚУВЧИЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОМПОНЕНТЛАРИ, МЕЗОНЛАРИ ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ

М.Б.Артикова

Мақолада бозор иқтисодиёти шароитида умумтаълим мактаби ўқувчиларида тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг зарурияти, унинг долзарблигини белгиловчи ижтимоий омиллар, ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш компонентлари, мезонлари ва кўрсаткичлари хусусида фикр юритилган.

Калит сўзлар: *бозор иқтисодиёти, тадбиркорлик, ўқувчи, тадбиркорлик кўникмалари, компонент, мезон, даража, компетенция.*

В статье речь идёт о необходимости развития предпринимательских умений учащихся общеобразовательных школ в условиях рыночной экономики, о социальных факторах, определяющих её актуальность, о показателях, критериях, компонентах развития предпринимательских умений учащихся.

Ключевые слова: *рыночная экономика, предпринимательство, ученик, предпринимательские умения, компонент, критерий, уровень, компетенция.*

The article is about the necessity of developing entrepreneurship skills, the social factors that determine the relevance of pupils, and the components, criteria and indicators for the development of entrepreneurial skills in pupils in a market economy.

Key phrases: *market economy, entrepreneurship, a pupil, entrepreneurship skills, component, criteria, degree, competence.*

Бозор иқтисодиёти шароитида ўқувчиларни ҳаётий фаолиятга тайёрлаш уларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришни тақозо этади. Мазкур вазифанинг долзарблигини қуйидаги ижтимоий омиллар орқали асослаш мумкин: 1) тадбиркорлик нуфузи, унинг истиқболли ривожланишининг ўсиб бориши; 2) ўқувчиларда хўжалик юритишнинг янги шаклларига қизиқишнинг намоён бўлиши.

Тадқиқот натижалари ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш, энг аввало, уларда ташаббускорлик сифатларини таркиб топтириш билан алоқадорлигини кўрсатди. Бу эса замонавий таълим шароитида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларини тадбиркорликка йўналтириш учун уларда ташаббускорлик сифатларини ривожлантиришни тақозо этишини кўрсатади. Иккинчи бир жиҳати умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг барчаси ҳам келажакда тадбиркор сифатида фаолият юритмаслиги мумкинлиги, бироқ тадбиркорлик кўникмаларини эгаллаши зарурлигини англатади.

Мазкур сифатнинг инглиз тилидаги семантик таҳлили иккита маънони ифода этади: тадбиркорлик ва ташаббускорлик. Бу эса иккита тушунча ўзаро бир-бири билан алоқадорлигини англатади. Мазкур жиҳатни Ф.Фон Хайекнинг “Тадбиркорлик ва ишбилармонлик шахс хусусиятларидир” [1.7], деган фикри ҳам тасдиқлайди. Бироқ ҳамма топқир, ташаббускор кишилар ҳам психологик хусусиятига кўра тадбиркор бўлиб фаолият юритавермайди. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин: ташаббускор кишилар хилма-хил фаолият турларида бу хусусиятини намоён этиши мумкин, бизнес соҳаси билан шуғулланмаслиги мумкин. Шу билан бирга, уддабуронлик, ташаббускорлик муваффақиятли тадбиркорлик фаолияти гарови бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бошқа томондан, ташаббускор шахслар нафақат бизнес соҳасида, балки фан, санъат, маданият, сиёсат ва касбий-тадбиркорлик билан шуғулланмайдиган кишиларда ҳам намоён бўлади.

А.М.Омаровнинг фикрича, ташаббускорлик – эгилувчан, кенг ва истиқболни кўзлаб фикрлай олиш, ғайратли, қарорлар қабул қилишда қатъийликни намойиш этиш, таваккал қила олиш демакдир [2.240]. Психолог Р.Хизрачнинг қайд этишича, ташаббускорлик, энг аввало, фикрнинг мустақиллиги, ностандартлиги, ўз тақдирига эгалик ҳисси, таваккалчиликка қобилиятлилик билан тавсифланади [3]. Фанда шахс ривожининг кенг тарқалган уч соҳаси (когнитив, аффектив, хулқ-атворга доир)га асосланган ҳолда ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг қуйидаги тузилмаси аниқлаштирилди (1-расм).



1-расм. ***Ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш тузилмаси***

Ўқувчиларнинг тадбиркорлик кўникмалари тузилмасига доир хулосаларимизни тасдиқлаш учун Андижон вилоятининг Андижон шаҳридаги 35-сон Давлат ихтисослашган мактабининг 9-синф ўқувчилари ўртасида тадқиқот ўтказилди. Сўров жараёнига 200 нафар ўқувчи иштирок этди. Анкета иккита саволдан иборат тарзда тузилди: 1. “Тадбиркорлик” атамаси нимани англатади? 2. Тадбиркорлик учун шахсда қандай хусусиятлар бўлиши зарур?

1-саволга ўқувчиларнинг 40 фоизи тадбиркорлик фаолият тури бўлиб, ташаббускор ғояларни илгари суриш, таваккалчилик асосида ўз бизнесини юритиш, янги маҳсулот яратиш, фойда ва даромадга эга бўлиш ҳамда қонуний фаолият юритишдир, деб жавоб беришган; 28 фоиз ўқувчилар бизнес билан шуғулланиш; 27 фоиз ўқувчилар фойда олиш ва тавакалчилик деб ҳисоблайдилар; 5 фоиз ўқувчилар аниқ жавоб беришга қийналишди.

“Тадбиркорлик учун шахсда қандай хусусиятлар бўлиши зарур?” саволига ўқувчиларнинг жавоблари қуйидаги жадвалда ўз аксини топган (1-жадвал).

1-жадвал

Тадбиркорлик учун шахсда шаклланиши лозим бўлган хусусиятларнинг баҳоланиши

Хусусиятлар	Баҳо (фоиз ҳисобида)
Масъулиятлилик	60%
Мақсаднинг аниқ қўйилиши	70 %
Ўз кучига ишонч	20 %
Курашчанлик	24 %
Муваффақиятга ишонч	38 %
Топқирлик	60 %
Ташкилотчилик	90 %

Фаровонликка интилиш	42 %
Омадлилик	22 %
Кузатувчанлик	22 %
Коммуникативлик	60 %
Компетентлилик	52 %
Ҳаётни тўғри идрок этиш	26 %
Ахборотга эгалик	10 %
Ташаббускорлик	64 %
Таваккалчилик	62 %
Қатъийлик	24 %
Батартиблик	10 %
Меҳнатсеварлик	38 %
Ишга ижодий ёндашиш	86 %
Ростгўйлик	30 %
Матонатлилик	24 %
Ижрочилик	16 %
Мустақиллик	72 %
Виждонийлик	62 %

Илмий адабиётларни таҳлил этиш ва тажриба-синов ишлари асосида ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмалари ривожланганлигининг учта даражаси аниқлаштирилди. Барча даражалар ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлиб, бири иккинчисини тақозо этади ва унинг таркибига киради. Аниқланган белгиларига кўра ҳар бир компонентнинг қисқача тавсифини паст даражадан юқори кўрсаткичлар бўйича ўзгариш динамикасини намойиш этиш учун жадвал кўринишига келтирилди (2-жадвал).

2-жадвал

Тадбиркорлик кўникмаларининг ривожланганлик даражаси тавсифи

Хусусиятлар	Юқори	Ўрта	Паст
Ташаббускорлик – инсоннинг ғоявий сезгирлиги, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиши, иш ва сўз бирлиги	Воқеликка тез ва аниқ йўналганлик	Кўрсатмасиз ишнинг зарур ҳажмини бажариш	Кўрсатма бўйича топшириқни бажариш
Қатъийлик – шахснинг таваккалчиликка тайёрлиги, мустақиллиги ва масъулиятлилиги	Топшириқларни бажаришда қатъийлик ва ташаббускорлик, қўшимча вазифаларни излаш	Тез қарор қабул қилиш, бироқ хатоларга йўл қўйиш, эҳтиёткорлик	Ҳамиша иккиланиш
Мустақиллик – муаммони аниқлаш ва шакллантириш, мақсад қўйиш ва унга эришиш	Самарали кўрсатма бериш малакаси, атрофдагиларни ишонтира олиш	Бошқаларнинг ёрдамига эҳтиёж сезиш	Ёрдамчилар билан бирга ишлаш
Масъулиятлилик – шахснинг жамият томонидан қўйиладиган ахлоқий тамойиллар ва ҳуқуқий меъёрларга онгли амал қилиши	Топшириқни бажариш билан ишга тайёрлик, ишни бажаришга масъуллик	Ички қаршилик билан топшириқни бажариш, гуруҳда ишлашга тайёрлик, индивидуал топшириқлардан қочиш	Топшириқни бажаришни истамаслик
Таваккалчилик – алоҳида вазифани ҳал этишда ноодатий метод ва усулларни қўллаш	Барча муқобил имкониятларни таҳлил қилиш кўникмаси	Ўзининг қарорига ҳамма вақт ҳам ишончнинг мавжуд эмаслиги	Қўшимча даромад топиш имкониятларини кўра олмаслик

Коммуникативлик – бошқа кишилар билан осон мулоқотга киришиш	Шахснинг мулоқотга йўналганлиги, коммуникатив кўникмага эгалик	Жозибали мулоқотга киришиш, одамларга самимий муносабат	Алоқага қийин киришиш
Собитқадамлилик – қўйилган мақсадга эришишда изчиллик ва қатъийлик	Мақсад қўя олиш кўникмаси, уларни бажаришга ишонч ва тайёрлик	Қатъийликнинг ҳамма вақт намоён бўлмаслиги, қийинчиликларга бардошсизлик	Қатъийлик мавжуд эмас, аниқ мақсад йўқ
Топқирлик – муаммоли вазиятларни самарали ҳал этиш қобилияти	Янгиликларни кўра олиш ва ўз фаолиятини ўзгартириш	Фаолият шарт-шароитларини, ўзгаришларини секин қабул қилиш	Ноодатий вазият асабийлашишга олиб келиши
Креативлик – янги ёндашувлар ва янги маҳсулотларга мослашиш қобилияти	Ноодатий ғояларни излаб топиш қобилияти	Янги ғояларни тушуниши ва кўра олиши, бироқ ўзининг ғоялари камлиги	Тайёр намуна асосида ҳаракатланиш
Ташкилотчилик – мақсадга эришиш учун ўзининг ва бошқаларнинг фаолиятини ташкил этиш кўникмаси	Лидерликка интилиш, ўз гуруҳини тузиш	Асосий вазифаларни бажаришга ҳамма вақт ишонч мавжуд эмаслиги, ўз зиммасига олмаслиги	Жамоада алоқа ва психологик муҳитни ўрната олмаслик
Компетентлилик – назарий ва амалий тайёрлик	Билимларни амалиётда қўллай олиш	Билимларни ҳамма вақт ҳам амалиётда қўллай олмаслиги	Тадбиркорликка доир билимлари етарли эмас

2-жадвалда кўрсатилган тадбиркорлик кўникмалари ва даражалари ҳамда тадқиқотга алоқадор манбалар асосида қуйидаги мезонлар аниқлаштирилди: *мотивацион, ижодий ва фаолиятга доир.* Ҳар бир мезонни амалга ошириш даражасини аниқлашда кўрсаткичларнинг намоён бўлиш динамикасига асосланилди. Хусусан:

– мотивацион мезонлар интегратив тавсифга эга бўлиб, ўзида тадбиркорлик фаолиятига, бошқа кишиларга ва ўзига нисбатан муносабатнинг ўзгаришини акс эттиради. Мезоннинг намоён бўлиш кўрсаткичлари сифатида масъулиятлилик, собитқадамлик, коммуникативлик, қатъийлик хизмат қилади;

– ижодий мезонлар ғояларни ишлаб чиқиш, бошқалар кўра олмаган фойда олиш имкониятларини қўлга киритиш қобилиятини акс эттиради; кўрсаткичлари – ташаббускорлик, топқирлик ва креативликнинг намоён бўлиш даражаси;

– фаолиятга йўналтирилган мезонлар оила ва мактабнинг тадбиркорлик фаолиятига махсус-ташкилий иштирокини ифода этади; кўрсаткичлари – ўқувчиларда мустақилликнинг намоён бўлиши, ташкилотчилик сифатларининг ривожланганлик даражаси, таваккалчиликка қобилиятлилик.

Шундай қилиб, ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш интегратив тавсифга эга бўлиб, ташаббускорлик хусусиятининг етакчи аҳамият касб этишини кўрсатди. Ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришга доир шахс хусусиятларини аниқлаштириш орқали компонетлари ва уларнинг мазмуни, даражалари ва мезонларини белгилай олишга эришилди.

Адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2005. – 424 б.

2. Омаров А. М. Управление: искусство общения. – Москва: Советская Россия, 1993. – 240 с.

3. Хизрич Р., Питерс М. ‘Предпринимательство или как завести собтвенное дело и добиться успеха – Москва: Прогресс-Уневерс, 1991. – 160 с.

4. Мурадова Н.С. Предпринимателями не рождаются // Образование и общество. – 2003. – №4. – С. 56 – 58.

5. Хайек Ф.А. фон. Конкуренция как процедура открытия // Мировая экономика и международные отношения. – 1989. – № 12. – С. 6 – 14.

Андижон давлат университети,
2018 йил 5 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Б.Ходжаев)